

носабатга киришиш орқали англатадиган турли маъноларини акс эттирадиган луғатларни тузиш сўзларнинг лексик-семантик вариантлари, шу билан бирга, улар билан боғлиқ бўлган функционал эквивалентларни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Феъллар, хусусан, префиксли ва кўшма феълларнинг ясалишида катта рол ўйновчи содда феъллар сонининг камлиги, кўпчилик феълларнинг катта валентлик қобилиятига эга

эканлиги, бошқа гап бўлаклари таъсири остида турли контекстларда феъл маъносининг ўзгариши форс тилидаги феъл туркумига оид сўзларнинг кўпмаъноли бўлишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Буни биз افتادن [oftādan], رفتن [raftan], آمدن [āmadan], كشيدن [kešidan] каби феълларнинг турли лексик-семантик вариантлари мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.



ПАШТУ ТИЛИДАГИ ЎЗЛАШМАЛАР, УЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

МАМАТКУЛОВ ОЙБЕК

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада пашту тилидаги ўзлашмалар, уларнинг кириб келиш сабаблари ва омиллари ўрганилган. Пашту тилида мавжуд бўлган сермахсул ёки каттахсул араб, форс, турк, инглиз, рус, франсуз тилидан кириб келган ўзлашмалар таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: арабча ўзлашмалар, инглизча ўзлашмалар, форсча ўзлашмалар, франсузча ўзлашмалар, италянча ўзлашмалар.

Аннотация. В статье автор рассматривает причины возникновения факторов заимствованных слов в языке пашто. Анализируются заимствования с арабского, персидского, турецкого, русского и французского языков.

Опорные слова и выражения: арабские заимствования, английские заимствования, персидские заимствования, французские заимствования, итальянские заимствования.

Summary. In various times, languages in Afghanistan had social, political and economic influences from foreign countries and this caused quite a lot linguistic changes. In Pashto lexis was enriched with European loanwords. To research quantity and quality changes in dictionary wealth of Pashto language, to classify English loanwords in Pashto, to scrutiny adaptation of English loanwords are actuality of the research.

Keywords and expressions: Arabic loanwords, English loanwords, Turkish loanwords, French loanwords, Persian loanwords, Italian loanwords.

Тил ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Даврлар ўтиши билан мамлакатнинг ички ва ташқи ҳолатларига боғлиқ равишда тилда ўзгаришлар юз беради, яъни янги сўз ўзлашиши ёки қайсидир сўз эскириб муомаладан чиқиб кетиши мумкин.

Пашту тилидаги европа тилларидан ўзлашмалар орасида каттагина миқдорда байналмилал сўзлар учрайди. Бу сўзларнинг ҳар бири битта тилдан ўзлашиб, кўп тилларга тарқалади. Шу тариқа сиёсат, санъат, илм-фанга оид халқаро терминология яратилади.

Пашту тилида мавжуд бўлган Европа тилларидан ўзлашмалар ичида француз тилидаги сўзларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, **پيانو** [piāno] (пиано) - пианино, **باليت** [bālet] (баллет) – балет, **رژيم** [rejim] (regime) - режим, **رستوران** [restorān] (рестаурант) ресторан, айниқса физикага оид атамалар: **اتوم** [atōm] (атом) – атом, **نيوترون** [nyutron] (неутрон) – нетрон, **الکترون** [elektron] (электрон) – электрон, **مالیکول** [māle-kul] (молесуле) – молекула. Шунингдек, **ويالون** [wiyālon] (виолин) – скрипка, **آپرا** [āpeṛā] (опера) – опера, **ستودیو** [studiyo] (студио) – студия каби сўзлар италян тилидан, **میکرافون** [mikrāfon] (microphon) – микрофон, **موزیم** [muem] (museum) – музей, **کولتور** [kultur] (култур) – маданият сўзлари немис тилидан ўзлашган ҳисобланади¹. Лекин мазкур ўзлашмалар асосан бошқа тиллар (инглиз, рус, дарий) орқали пашту тилига кириб келган.

XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Россия ўз миссиясини Афғонистонга жўната бошлаган. Бу икки давлат ўртасида XX аср охиригача дипломатик муносабатлар давом этди. Аммо 1979-1989 йилларда Совет Афғонистон ҳудудига киргандан сўнг, унча бўлган пайтида, айниқса, оккупация вақтида пашту тилига русча сўзлар кириб келиши табиий ҳол. Масалан, **سموار** [samāvār] – самовар, **پتنوس** [patnus] – патнис, **چاینکه** [chayneka] – чойнак, **کلخوز** [kalhoz] – колхоз каби ўзлашмалар рус тилидан кириб келган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, кўпгина инглизча сўзлар рус тили орқали кириб келган. Мисол учун, **اسکلیت** [iskelet] – скелет, **بکاور** [bakalawar] – бакалавр, **مارکه** [mārka] – марка ва бошқалар.

Европа тилларини ичида инглизча ўзлашмалар етакчи ўринни эгаллайди. Лекин, Европача ўзлашмалардан ташқари, пашту тилининг лексик таркибида бошқа тилларидан масалан, араб, форс, туркий тиллардан ҳам ўзлашмалар мавжуд.

Пашту тилида араб тилидан ўзлашган сўзлар умумий ўзлашмаларнинг кўп миқдорини ташкил

қилади. Дин, фалсафа, мантиқ, илм ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги тушунчалар арабий ўзлашмалар билан ифодаланади. Ислоҳ пайдо бўлганидан кейин араб тили барча шарқ мамлакатларида тарқалди. Ислоҳ дини паштунлар орасида, асосан, XI аср бошларида Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлиги даврида ёйилган. Манбаларда айтилишича, ҳозирги паштунлар яшайдиган ҳудудларни бўйсиндиришда Ғазнавий қаттиқ қаршиликларга учраган. Аммо 1008 йилда у ерларни ҳам босиб олган. Ислоҳ динини паштунлар айнан шу даврда қабул қилгани тахмин қилинади². Лекин арабча ўзлашмалар пашту тилига, асосан, форс тили орқали ўзлашган.

Б.З. Холидовнинг ҳисоб-китобида кўра, IX-XIV асрлардаги аксар афғон шоирларининг бизгача етиб келган асарларида арабий ўзлашмалар оз миқдорда эди: умумий лексик қатламни 7 % ини ташкил қилар эди. Фақат бир нечта ўқимишли шоир ва ёзувчиларнинг асарларида арабий ўзлашмалар 10 % дан 17 % гача ташкил қилар эди³.

Пашту тилига арабий ўзлашмаларнинг кириб келиши XIV асрда кучайди ва XIX асрнинг охиригача давом этди. Баъзи бир муаллифларнинг асарларида арабий ўзлашмалар 20-30% гача баъзида 50% гача кўпаяди⁴.

Араб тили сўзлари пашту тили таркибида шунчалик мустаҳкам жой олганки, паштулаштириш сиёсати ҳам арабий ўзлашмаларини сиқиб чиқара олмаган. Паштуча газета, журналлар ёки китоблар кўздан кечирилса арабча ўзлашмалар жуда кўп учрайди. Араб тилидан ўзлашган сўзлардан баъзи мисолларни кўришимиз мумкин:

رسول [islām-din] - ислоҳ-дин, **علم** [ilm] – фан/ илм, **معلم** [mual-lim] – муаллим, **مکتب متوسطه** [maktabi mutavassita] – ўрта мактаб, **حاصل جمع** [hāsili jam] – умумий ҳисоб, **کسر** [kasr] – каср, **عادی** [ādī] – оддий, **مربع** [murabba] – квадрат, **اسم**

¹ Mannonov A.M., Quronbekov A. Pushtu tili leksikologiyasi. -Toshkent, 2012.

² en.wikipedia.org/wiki/Mahmud_of_Ghazni

³ Халидов Б.З. Арабские заимствования в современном литературном языке пушту: Дисс...канд. филол.наук. - Ташкент, 1952. - С.199.

⁴ Mannonov A., Quronbekov A. Pashtu tili leksikologiyasi. -Toshkent, 2012. - B.121.





میس [mis] – хоним сўзининг ўрнига اغلى [ag'le] сўзларини ҳозирги кун оммавий ахборот воситаларида ишлатилади.

Иккинчи босқич, 2001 йилдан то ҳозиргача бўлган давр. Бунда кириб келаётган янги сўзлар билан бир вақтда паштулаштириш жараёнинг ҳам давом этиши кузатилмоқда. Айниқса, янги сўзларни техника, кашфиёт ва илм-фан соҳасида кўриш мумкин. Буларга مدل [model] – моделер, تورنمنت [tornəment] – мусобақа, گوگل پلس [gūgəl plas] – гугл плус, وبسایت [websāyt] – вебсайт, کمنت – [kament] – фикр билдириш (асосан ижтимоий тармоқларда) каби сўзлар мисол бўла олади.

Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- 2001 йилда Афғонистон ҳудудига БМТнинг ҳарбий кучлари кириши билан матбуотда инглизча ўзлашмалар сони кўпайди;

- Фан техника соҳасидаги кўплаб кашфиётлар билан боғлиқ терминлар тезлик билан кириб кела бошлади;

- Мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий аҳвол паштун халқининг ижтимоий муносабатларга интеграциясини кучайтириб юборди ва бунинг натижасида инглиз тилини ўрганиш, инглизча терминлардан оғзаки ва ёзма нутқда фойдаланиш кучайди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, пашту тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ичида арабча ўзлашмалар кўп миқдорни ташкил қилади. Тадқиқ қилинган ўзлашмаларнинг 25-30% и араб тилидан кириб келган.

Ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган техник тараққиёт ва глобаллашув жараёни пашту тилига ўз таъсирини ўтказмоқда, унинг луғат таркибига янги сўзларнинг кириб келишида муҳим рол ўйнамоқда.



МУҲАММАД РАҲИМ ИЛҲОМНИНГ *دستور زبان دری* **DASTUR-E ZABÂN-E DARI** КИТОБИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАҲЛИЛ

ЎКТАМОВА ҲИЛОЛА

Тадқиқотчи, ТошДШИ

Аннотатсия. Мақолада афгон тилишуноси М.Р. Илҳомнинг дарий тили грамматикасига оид асарини ўрганилган. Муаллифнинг дарий тили грамматик қурилиши ҳақидаги назарий қараишлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: грамматика, фонетика, морфология, синтаксис, фонема, сўз туркумлари, гап, гап бўлаклари.

Аннотация. В статье изложен анализ книги афганского грамматиста М. Р. Ильхама, посвященная грамматике языка дари. Рассматриваются теоретические взгляды автора книги на грамматический строй языка дари.

Опорные слова и выражения: грамматика, фонетика, морфология, синтаксис, фонема, части речи, предложение, члены предложения.

Abstract. In the article the grammar book by afghan linguist M.R. Ilhom is studied, which is written about the grammar of the Dari language. The thoughts and approach of author about structure of grammar are analyzed.

Keywords and expressions: grammar, phonetics, morphology, syntax, parts of speech, sentence, member of sentence.

1965 йили Афғонистон Республикаси Конституциясида дарий тилига расмий тил мақоми-нинг берилиши бу тилни илмий ишлар объектига айлантирди. Ўша вақтгача дунё эроншунослигида дарий тили *fârsi-ye kabuli*, *fârsi-ye dari*

терминлари орқали ифодаланган. Мақола ана шу даврда янгилик ҳисобланган, дарий тилини назарий жиҳатдан ёритиб берган грамматик асарнинг таҳлилига бағишланган. Ушбу китобни таҳлил қилишдан мақсад дарий тили грамматика-